



Испания фатхининг бошланиши

Хижрий 91-йил Рамазон ойининг бошида (710 йил июл), юзга якин мусулмон отлик ва тўрт юз пиёда Африка ноиби Мусо ибн Нусайрнинг озод килинган кули, барбарлардан бўлган Абу Зар Тариф ибн Молик кўмондонлигида, Гибралтар бўғозидаги Кичик Яшил оролга кадам қўяди. Кейинчалик бу ер унга биринчи бўлиб оёк қўйган атокли Ислом саркардаси шарафига қайта номланиб, "Тариф ороли" деб номланади. Бу экспедиция буюк даврнинг бошланиши — Испанияни фатхилишни белгилаб берди.

Харбий экспедициянинг кискача тарихи

Хижрий 78-йил (милодий 697 йил) халифа Абдул-Малик ибн Марван томонидан Мусо ибн Нусайрни Иффрикия (Шимолий Африканинг бир қисми) хумдори этиб тайинланади. Янги ҳоким Миср ҳукмдорларидан мустанкил бўлган Иффрикиянинг биринчи мустанкил ҳокими бўлди. 87-90 хижрий (706-709) йилда бир қатор кампаниялардан сўнг Иффрикия ва Магрибдаги бербер қабилаларининг қўпчилигини халифа ҳокимиятига бўйсундириб, забт этилган ерлардаги халифалик ҳокимиятини мустанкамлашга муваффақ бўлди. Бербер қабилаларига нисбатан дипломатик сиёсатига қарамай, Мусо ибн Нусайр улар орасида Исломни ёйишга фаол интилади. Унинг саъй-ҳаракатлари натижасида қўплаб берберлар Исломни қабул қилиб, мусулмон қўшинига қўшилдилар. Энг истеъдодли ва жасур берберлар мусулмон отрядларининг етакчиларига айландилар. Улар орасида икки таникли берберлар бўлиб, улардан бутун Ислом Уммати киёматгача фахрланади – Тариф ибн Молик ва Торик ибн Зиёд – Испаниянинг илк фотиҳлари. Уларнинг номлари нафақат мусулмонлар қалбида сақланиб қолган, балки географик номлар билан ҳам абадийлаштирилган (Тариф шаҳри ва ороли Тариф ибн Молик шарафига, Гибралтар бўғози эса Торик ибн Зиёд шарафига шундай аталади). Муса ибн Нусайр Магрибда зарур тайёргарликларни тугатгач, Халифа Ал-Валидга хабар юбориб, Андалус фатҳини бошлашга изн сўради. Халифадан қуйидаги мазмунда жавоб келади:

«Мамлакатни биринчи бўлиб енгил отлик отрядлар текшириб чиқсин! Уни ўрганиш ва унда нималар борлиги ҳақида маълумот топиш керак! Оқил бўл ва мусулмонлар ҳавф-хатар ва балолар уммонида адашишларига йўл қўйма!» Бунга Муса жавоб берди: «Бу уммон эмас, қирғоқларини оддий қўз билан ҳам қўриш мумкин бўлган тор бир каналдир». «Лекин шунга қарамай, - дейди унга ал Валид, - ҳатто шундай бўлса ҳам, мамлакат аввал разведка қилиниши керак».

Шу сабабли Муса ибн Нусайр иқтидорли саркардаси Тарифни тўрт юз пиеда ва юзта отлик билан Андалусда мусулмонлар десант тушириши мумкин бўлган жойларни разведка қилишга юборади.

Харбий экспедиция

Тариф ва унинг кичик қўшини тўртта кемага минди ва Андалусия яқинидаги Яшил Орол деб номланувчи оролга тушди. Хозир Тариф ороли деб ном олган бу оролда унинг қўним

топгани хотирасига берберлар етакчиси кун бўйи, ҳамма одамлари унга разведка маълумотлари билан кайтиб келгунларича колаверди. Кейин у ҳаракатни давом эттириб, материкка бир неча марта муваффақиятли хужум килди. Мусулмонлар бир канча маҳбуслар ва бой ўлжа кўлга олишга муваффақ бўлишди, шундан сўнг улар бемалол ортга кайтишди. Муса ибн Нусайр Ислом жангчиларини хавфсиз ва соғлом кўргач, кулларига берилган галаба учун Аллохга миннатдорчилик билдирди, олиб келган асирлар унга ўз ерларининг унумдорлиги ва бойлиги ҳақида сўзлаб берганида, у Испанияни фатх қилиш фикрида янада катъийлашди. Шундай қилиб, у армиядаги муҳим лавозимларга ишонган озод қилинган қулини қақриб, Андалусияга қарши бошқа экспедицияга қўмондонлик қилишни тайинлади. Унинг исми Торик ибн Зиёд эди. Тайёргарликлар ишлари бир йил давом этиб, 92-ҳижрий йил Рамазон ойида Торик ибн Зиёд Испания қирғоғига етти минг аскар билан тушди. Яна бир йилдан кейин (яна Рамазон ойида!) мусулмонларнинг асосий қучлари билан Мусо ибн Нусайрнинг ўзи Андалусга қириб келди. 91-ҳижрий йили Рамазон ойининг иссик ёз қунида бошланган Испания фатҳининг буюк даври бошланиб кетди...